

# MCHJ «MASLAXATAUDIT-M» AT

Ўзбекистон Республикаси, Жиззах шаҳри, Байналминалчилар-5,  
АТ Ипотека банки Жиззах вилоят филиали МФО 00122, х/р.20208000404136258001, СТИР 203679800, ХХТУТ 84400,  
Телефакс: (8372) 226-55-78 . тел. +99897-325-51-59 Эл.почта Maslaxataudit@mail.ru.

10.04.2017 й.

Жиззах шаҳри

*«Жума пахта тозалаш» акциядорлик  
жамияти раҳбарига*

## **Ижобий фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

Ушбу аудиторлик хулоса «Жума пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъмуриятига тақдим этиш учун тайёрланди. Юридик манзили: Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, А.Темур кўчаси 1-уйда жойлашган. 2016 йил 20 август куни №13-реестр тартиб рақами билан қайта руйхатга олиниб, №13-сонли гувоҳнома бўйича қуйидаги кодлар берилган ХХТУТ (ОКОНХ) 17111, Солик тўловчи сифатида Пастдарғом туманида руйхатга олиниб 201184564-сонли СТИР (ИНН) коди берилган. АТБ Агро банк Жума бўлими (МФО 00273) талаб қилунгунча депозит ҳисоб рақами 2021 0000 4004 7116 2001.

Мен, МЧЖ шаклидаги «MASLAXATAUDIT-M» аудиторлик ташкилотининг аудитори М.Шарипов (*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг №05302-рақамли аудиторлик малака сертификати 02.05.2015 йилда берилган*) томонидан хўжалик юритувчи субъект «Жума пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2017 йил 1 январдан 2017 йил 31 декаргача даври учун тузилган 1-шакл «Бухгалтерия баланс» ва 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот», 4-шакл «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот», 5-шакл «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот» лардан иборат «Молиявий ҳисоботи»нинг ишончилигини 2018 йил 13 январь куни тузилган №2-сонли шартномага асосан мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдим. МЧЖ шаклидаги «MASLAXATAUDIT-M» АТга Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2013 йил 23 июлда берилган № 658-сонли гувоҳнома ва аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигидан 2014 йил 31 январда 00261-сонли лицензия берилган. Юридик манзил: Жиззах шаҳри Байналминалчилар кўчаси 5-уй. Ҳисоб-рақами 20208000404136258001, «Ипотека банк» АТИБнинг Жиззах филиали, МФО 00122, ИНН 203679800, ОКОНХ 84400, №6/СОА-01 рақамли суғурта полиси «Кафолат» суғурта компанияси АЖ томонидан 2018 йил 5 январда берилган.

### ***Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги***

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

### ***Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги***

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз «Жума пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

### ***Ижобий фикр***

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Жума пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2017 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади

*Ксеро нусха ҳақиқий эмас*

Бош директор

М.Гулбаев

Аудитор

М.Шарипов

«Жума пахта тозалаш» АЖ